



MILLIY TIKLANISH

13 (1011) ● 2019 йил 3 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Фракция фаолияти

БУХОРО "САЁХАТЛАР ЧОРРАҲАСИ"ГА АЙЛНАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ҳамда давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгиланган вазифалар ижроси билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама қилинди.



2-бет →

Депутат фикри

ШАРОИТ ЯРАТИЛМОҚДА, ИЖРОСИГА ЭСА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

Шу йилнинг 19 март куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилишида ёшлар билан ишлаш масалалари муҳокама марказида бўлди. Мазкур масалага тез-тез қайтиб турилиши бу — давр талаби. Кундан-кунга жадаллашиб бораётган ҳаётда ривожланишнинг қандай тенденциялари кузатишмоқда, дунё давлатлари ёшлари қайси томонга йўналтирилмоқда, уларнинг илми, маданияти қай даражада, бу борада биз бугун қандай чораларни кўришимиз керак? Йиғилишида ана шундай долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратишди.

Мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг маданият, санъат, замонавий илм-фан ютуқларини ўзлаштириши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини кучайтириш, ўз даврининг муносиб фарзандлари бўлиб етишишларига ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда бузғунчи ғоялардан асрашга доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

3-бет →

Депутатлик назорати

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНДИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ўз сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан учрашдилар. Жойларда ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, ахборот-ресурс марказлари фаолияти билан танишилди.

Парламент қўйи палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов Ҳазорасп тумани Питнак шаҳридаги Шихлар қишлоқ врачлик пунктида бўлганида, у ерда лаборатория жиҳозлари эскиргани, ичимлик суви йўқлиги маълум бўлди.

2-бет →

Муносабат

БАХШИЧИЛИК — БАРҲАЁТ САНЪАТ

Сурхондарё вилоятида 5-10 апрель кунлари I Халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтади

Ҳар қайси халқнинг тарихи ва маданияти, аввало, унинг оғзаки ижоди — фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, ўзига хос қадрият ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришида бебаҳо манба ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш, уни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишда янги босқични бошлаб берди.

Халқаро фестивалнинг Сурхондарё вилоятида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгилангани нафақат бахши-шоирлар ёки бахшичилик ва дostonчилик санъати йўналишида илмий тадқиқот олиб бораётган олимлар, балки бутун халқимиз, айниқса, маънавий-маърифий соҳа вакиллари билан беҳад мамнун қилди. Бу ўзбек миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбидан ушбу санъат турига хурмат туйғусини юксалтиришга алоҳида эътибор берилётгани намунасида.

Шу йилнинг 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдида бир гуруҳ таниқли ижодкорлар билан суҳбатлашдик.

4-бет →

Давра суҳбати

ҲАЁТИНГИЗНИ ЯХШИ ТОМОНГА ЎЗГАРТИРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, КИТОБ ЎҚИНГ!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йилнинг 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, "Ёшлар орасида санъат ва китобхонлик маданиятини юксалтириш" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



3-бет →

Мамлакат имжи — халқаро майдонда

ЎЗБЕК БАҲОРИ

"Ҳавода умидбахш кайфиятлар ҳис этилмоқда, Ўзбекистон барча аҳолисининг оғзида ўзгаришлар" ("The Guardian", Буюк Британия); "Республиканинг ташқи дунёга қучоқ очиши мамлакатнинг янги йўналишида шахдам одим отишига имкон беради" ("The Washington Post", АҚШ); "Бу ўз йўлини аниқ биладиган, ўзгаришлар йўналишларини аниқ белгилаб олган мамлакат" ("Newsweek", АҚШ); "Ўзбекистон иқтисодий тараққиётнинг янги асрига қадам кўймоқда" ("Germany Trade & Invest", Германия); "Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг жадаллиги ҳайратга солмоқда" ("El Mundo Financiero.com", Испания) ва ҳоказо...

Нуфузли хорижий оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда кенг қўлам олган чуқур ислохотларнинг бундай яқдил баҳоламини кўнгилмизга гурур бағишлайди. Чет эл журналистлари томонидан Ўзбекистонга ҳатто "Осиёнинг янги йўлбарси" таърифи берилмоқда, Осиё журналистлари ассоциацияси эса юртимиздаги ана шу илҳомбахш ўзгаришларнинг ташаббускори — Президентимиз Шавкат Мирзиёевни "2018 йил одами" дея эътироф этди.

Шавкат Мирзиёев аввал туман, кейин Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳокими, айниқса, ўн уч йил давомида Бош вазир бўлиб ишлаб олтирган ҳаётий тажрибаси туфайли мавжуд муаммолардан хабардор бўлган. Бош вазир юртимиздаги барча бунёдкорлик ишига бош-қош бўлди, энг оғир ва муаммоли соҳа — қишлоқ хўжалиги учун масъулиятни зиммасига олди.

7-бет →

Ушбу сонда:

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ — ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШ



4-бет →



"СЎЗАНА РЕКОРД" — МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ КЎРКИ

4-бет →



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда!

"Milliy tiklanish" — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158



Фракция фаолияти

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шунингдек, фракция аъзоларининг сайловчилари билан учрашувлари, партия фракцияси ташаббуси билан амалга оширилган ишлар, Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

— Ёшлар орасида китобхонлик маданияти тарғиб қилиш, мутлола маданиятини ошириш, ёш авлодни китобга ҳурмат, муҳаббат руҳида тарбиялаш каби масалалар партиязимнинг энг муҳим вазифалари сифатида белгиланган, — деди йиғилишни бошқарган фракция раҳбари Сарвар Отамуратов.



Давлатимиз раҳбари авиақатновлар сонини ошириш, Самарқанд, Хива, Шахрисабз шаҳри билан автобус ва поездлар қатновини кўпайтириш, Бухорони "саёҳатлар чорраҳаси"га айлантириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, "Бухоро тарихи" музейини қуриш, кўнгилочар масканлар, ҳунармандлар марказлари ва Бухоронинг эски шаҳар қисмида туристлар пиёда сайр қиладиган йўналишлар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентини 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташриф буюриб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёни билан танишди.

Депутатлик назорати

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўрганишлар давомида аниқланган барча муаммони ҳал қилиш бўйича ҚВП маъмурияти ва Питнак шаҳарга ҳокимлиги мутасаддилари томонидан тегишли чоралар кўриладиган бўлди. Депутат Питнак шаҳарчасидаги 4-умумтаълим мактабининг ахборот-ресурс марказини кўздан кечирди. Бу ерда ўқувчиларга мунтазам хизмат кўрсатиб келинади. Шунингдек, компьютер хонаси ҳамда бошқа фан хоналарида яратилган шароитлар билан танишди, инглиз ва рус тили дарс машғулотларини кузатди.

Ёшлик маҳалласида жойлашган 5-мактабга таълим муассасаси фаолияти билан ҳам танишилди. Муассаса мудири Наргиза Курбанова депутат билан суҳбат чоғида таълим-тарбия маскани биноси таъмирталаб эканлигини, каналзация тизими ишламаслигини, бу эса муайян муаммоларни келтириб чиқараётганини айтди. Сарвар Отамуратов ҳудуддаги ўрганишлари давомида "Авто Сеат" МЧЖ, "Хоразм Питнак Пласт" МЧЖ, "ЎзДонг Хон Ко", "ЎзСем Юнг Ко", "ЎзВонг Тонг ХО", "Ўз Донг Янг КО" қўшма корхоналарида бўлиб, бу ерда ДАМАС автомобилнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Қўшма корхоналар жойлашган биро оқрасида ярим гектардан ортиқ майдонда иссиқхона ташкил қилиниб, 7 нафар фуқаро иш билан таъминланган. Иссиқхонада етиштирилаётган бодринг ва бошқа сазавотлар пешма-пеш ишчилар ошончасига етказиб берилмоқда.

Ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ва муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жуманазар Отажоновнинг Хива туманидаги учрашув ва ўрганишлари ҳам самарали кечди. Депутат Шомажумул маҳалласида жойлашган 2-сон мактабга таълим муассасасида партиязимнинг "Депутат билан юзма юз" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Депутат сизни эшитди" мавзусидаги очик мулоқотда иштирок этди.

Мулоқотда муассаса ходимлари мавжуд муаммоларни ўртага ташлаб, уларни ҳал қилиш учун депутатдан ёрдам сўради. Қайд этилганидек, маҳаллада мактабга таълим муассасасига бўлган

Вилоят фаоллари ва мутасадди раҳбарлар иштирокидаги йиғилишда Ислмо дунёси марказларидан бири ҳисобланган Бухоронинг сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланиб, 2021 йилгача хорижий туристлар сонини икки баробар кўпайтириш, бу соҳа хизматлари тушумини 350 миллион долларга етказиш режалаштирилаётгани бунинг учун аввало замонавий меҳмонхона

БУХОРО "САЁХАТЛАР ЧОРРАҲАСИ"ГА АЙЛАНДИ

налар барпо этиш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Жорий йилда Бухоро шаҳридаги "Бухоро-палас", "Варахша" ва "Зарафшон" меҳмонхонаси реконструкция қилиниб, 32 янги меҳмонхона, 9 мотель ва 50 меҳмон уйи фойдаланишга топширилади. Натижада меҳмон ўрни 7 мингга етиб, туристларни қабул қилиш имконияти қарий икки баробар кўпаяди. Ғижувон-Когон йўналишидаги 122 километр йўлни таъмирлаш, "Етти пир" зиёратгоҳи ўртасида қулай ва замонавий транспорт қатновини йўлга қўйиш, халқаро ҳалол стандартини кенг жорий этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари авиақатновлар сонини ошириш, Самарқанд, Хива, Шахрисабз шаҳри билан автобус ва поездлар қатновини кўпайтириш, Бухорони "саёҳатлар чорраҳаси"га айлантириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, "Бухоро тарихи" музейини қуриш, кўнгилочар масканлар, ҳунармандлар марказлари ва Бухоронинг эски шаҳар қисмида туристлар пиёда сайр қиладиган йўналишлар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Фракция аъзолари Президентимизнинг вилот фаоллари билан бўлган йиғилишдаги маърузаси, айниқса, туризмин ривожлантириш бўйича билдирган таклиф ва топшириқлари юзасидан ўзаро фикр алмашди, бу борада партия олдида турган вазифалар белгиланди. Шунингдек, йиғилишда бир неча қонун лойиҳалари кўриб чиқилди, мутахассислар маърузаси тингиланди, таклифлар билдирилиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

Р.МАҲМУДОВ, "Milliy tiklanish" мухбири



ган эҳтиёж юқори бўлгани боис унинг биносини кенгайтириш, фаолиятини янада яхшилаш зарур. Муассасани ичимлик суви билан таъминлаш, унинг олдида ўтувчи йўлни таъмирлаш лозим. Таълим-тарбия масканидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Депутат ўзи ўқиган Хива шаҳридаги 2-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, бу ерда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди, дарс машғулотларини кузатди. Халқ вакили таълим муассасасининг китоб фондини бойитишга ҳисса қўшиш мақсадида ўзининг шахсий кутубхонасидан китоблар жамланмасини ҳада қилди.

Ахборот-ресурс марказлари фаолияти қониқарлими?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сиддиқ Номозов Оқдаре туманидаги 38-умумтаълим мактабида бўлиб, зиё масканининг ахборот-ресурс маркази фаолиятини кўздан кечирди. Мактаб биносининг 1-қаватида жойлашган ва ўзининг алоҳида ўқув залига эга ахборот-ресурс марказида таъмирлаш ишлари олиб борилаяётгани сабаб муассаса аини пайтда вақтинча ажратилган иккита хонада фаолият кўрсатаётгани маълум бўлди. Марказ 1 минг 127 китоб фондига

Фестиваль

ДИЛЛАРГА ЗАВҚ БЕРАР "НАВРЎЗ САДОЛАРИ"

Янгилаш ва яшарш айёми — Наврўзи олам юртимизнинг ҳар бир эўшасида ўзгача шуқуҳ ва тароват ила нишонланди. Боқий қадриятларимизни ўзида мужассам этган бу байрам шуқуҳи кўнгилларга самимийлик, дилларга ором бағишлаётгани рост. Айни шу дамларда бўлиб ўтган "Наврўз садолари" V халқаро мусиқа кўрик-фестивали ҳам янги-янги истеъодларни кашф этиш ва уларнинг меҳнатини баҳолаш, санъатга иштиёқманд ёш авлодни янада рағбатлантиришдек эззу мақсадни мужассам этгани билан эътиборга молик.



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар жорий йилги фестивалнинг юксак савияда ўтишига салмоқли ҳисса қўшди.

Фестивалда йирик оркестр жамоалари билан бир қаторда кичик ансамбль гуруҳларининг иштироки республикамизнинг олис ҳудудларида ҳам мусиқа оламида ижод қилиб келаётган турли ёшдаги ижодкорларни кенгроқ қамраб олишни таъминлайди. 2007 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу фестиваль — болалар ва ёшларнинг мусиқий тарбиясига оид давлат дастурлари ижросини таъминлаш, миллий чолғулар ижрочилигида етуқ кадрларни тайёрлашдек мақсадларни кўзлайди.

2019 йилдан бошлаб мазкур лойиҳа хорижий ҳамкорлар таклифи инobatга олиниб, халқаро миқёсда ўтказилмоқда. Фестивалнинг илк босқичида жами 87 ансамбль, 70 оркестр ва 2 минг 512 мусиқачи иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилотлар, Тошкент шаҳридан ғолибликни кўлга киритган санъат ва маданият жамоалари, шунингдек, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби қўшни давлатлардан ҳам мусиқасевар болалар қатнашган. Фестиваль якунида "Самарали меҳнати учун", "Санъат йўлидаги фидойилиги учун", "Умид" номинациялари бўйича ғолиблар тақдирланди. Ушбу санъат байрамида энг юқори ўринга эса 5 жамоа — Бухоро вилоти Қорақўл туманидаги 16-сон, Намангон вилоти Чуст туманидаги 15-сон, Андижон шаҳридаги 3-сон, Урганч шаҳридаги 3-сон мусиқа ва санъат мактаби жамоаси

ҳамда Тошкент шаҳри Р.Ғлиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг миллий чолғулар оркестри муносиб деб топилди.

Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Маънавият инсондан ёмонлик чиқмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Инсоннинг маънавиятли бўлиб улғайишида эса санъат таълими муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода тафаккури эндигина шаклланиб, улғувор тушунчаларнинг мазмунини англаб етишга ҳаракат қилаётган болакайларнинг мусиқа асбобларини жон меҳри билан чалишини кўриб жуда тўлқинландим. Уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, санъатга меҳр уйғотган ва мусиқа илмига йўналтирган устозларнинг маҳоратига таҳсин айтмай иложимиз йўқ. Айниқса, имконияти чекланган ўғил-қизларнинг ушбу лойиҳада иштирокининг ўзи катта жасорат.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловлиди Платформасида ҳам болалар мусиқа ва санъатини ривожлантиришга ҳисса қўйиш муҳим вазифалардан бири эди белгиланган. Бугунги фестиваль ҳам мана шу вазифа ижроси йўлидаги дадил қадамлардан бирidir.

Феруза АБДУРАҲИМОВА, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, фестиваль бадий раҳбари:

— Ёшларнинг истеъдоди ва маҳоратини баҳолаш, уларни янги парвозлар сари илҳомлантиришга хизмат қилаётган мазкур фестивалнинг якуний босқичи жуда кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Уч кун давомида янги-янги иқтидор ағалари кашф этилди. Ёш ижрочилар ўз юртининг миллий мусиқаларини, жаҳон ва ўзбек мумтоз бастакорларининг машҳур асарларини ижро этди. Айниқса, Хоразм вилотиянинг оркестр жамоаси иштироки барчамизда катта таассурот уйғотди. Негаки, ўтган йилларда фестивалга ушбу ҳудуддан оркестр жамоаси қатнашмаётган эди. Бизни қувонтирган яна бир томони мазкур фестивалда Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаган талабалар оркестр

раҳбарлари сифатида муносиб иштирок этди. Буларнинг барчаси юртимизда санъат ва маданият соҳасига бўлган эътиборнинг юксак намунасидир.

Марс ЖАЙИЛОВ, Қирғизистон Республикаси Муқаш Абдраев номидаги ўрта-маҳсу мусиқа мактаб-интернатининг қирғиз миллий чолғулар ансамбли раҳбари:

— Юртимизнинг маданияти ва санъатини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш, кўрик-танлов ва фестивалларда мамлакатимиз ёшлари иштирокини кучайтириш гоят муҳимдир. Чунки қирғиз миллий чолғулари ҳам ўзига хос оҳангга эга. Улар аини шу жиҳати билан ҳам Шарқ халқларини мафтун этиб келаётди. Айниқса, соз жозибасининг ўзбек миллий чолғулари билан ҳамоҳанглиги икки мамлакатнинг урф-одат ва анъаналари, қадриятлари бир-бирига яқин эканидан дарак беради.

Фестиваль юксак савияда ташкил этилгани боис ундаги бетақорор ижодий муҳит санъатсевар ёшларга илҳом бағишлади, десак хато бўлмайди. Қолаверса, талай иштирокчилар орасидан бизнинг жамоамиз 3-ўринга муносиб деб топилган санъатсевар ёшларимизни янада руҳлантирди. Келгуси йилларда янада пухта тайёрларик кўриб, олий ўринларни эгаллашга ҳаракат қиламиз.

Жасур ЎТКРИМОВ, Р.Ғлиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг миллий чолғулар оркестри раҳбари:

— Фестивалнинг доимий иштирокчиси сифатида ҳар гал репертуаримизни ўзбек бастакорларининг болалар учун ёзилган энг сара ижод намуналари, жаҳон мумтоз мусиқасининг дурдона асарлари билан бойитиб келмоқдамиз.

Фестивалнинг якуний босқичида ўқувчиларимиз Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистондан келган иштирокчилар билан бирга бир неча кўни жўр бўлиб ижро этгани барчаси ўзига мафтун этди. Бастакор Фахриддин Содиковнинг "Сўлим баҳор" куйи шулар жумласидан. Олий ўрин совиндорларни сафида бизнинг оркестр номи ҳам эълон қилингандаги ўқувчиларнинг кўзидаги ёшни кўриб тўлқинланиб кетдим. Мазкур танлов ёшларнинг мусиқа санъатига бўлган меҳрини янада оширишда беҳисса ҳисса қўшмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, "Наврўз садолари" фестивали дўстлик, болалик, беғуборлик, санъат байрами эканини яна бир ҳарра амалда тасдиқлади дейиш мумкин.

Дилфуза МАҲҚАМОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўрганишлар давомида аниқланган барча муаммони ҳал қилиш бўйича ҚВП маъмурияти ва Питнак шаҳарга ҳокимлиги мутасаддилари томонидан тегишли чоралар кўриладиган бўлди. Депутат Питнак шаҳарчасидаги 4-умумтаълим мактабининг ахборот-ресурс марказини кўздан кечирди. Бу ерда ўқувчиларга мунтазам хизмат кўрсатиб келинади. Шунингдек, компьютер хонаси ҳамда бошқа фан хоналарида яратилган шароитлар билан танишди, инглиз ва рус тили дарс машғулотларини кузатди.

Ёшлик маҳалласида жойлашган 5-мактабга таълим муассасаси фаолияти билан ҳам танишилди. Муассаса мудири Наргиза Курбанова депутат билан суҳбат чоғида таълим-тарбия маскани биноси таъмирталаб эканлигини, каналзация тизими ишламаслигини, бу эса муайян муаммоларни келтириб чиқараётганини айтди. Сарвар Отамуратов ҳудуддаги ўрганишлари давомида "Авто Сеат" МЧЖ, "Хоразм Питнак Пласт" МЧЖ, "ЎзДонг Хон Ко", "ЎзСем Юнг Ко", "ЎзВонг Тонг ХО", "Ўз Донг Янг КО" қўшма корхоналарида бўлиб, бу ерда ДАМАС автомобилнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Қўшма корхоналар жойлашган биро оқрасида ярим гектардан ортиқ майдонда иссиқхона ташкил қилиниб, 7 нафар фуқаро иш билан таъминланган. Иссиқхонада етиштирилаётган бодринг ва бошқа сазавотлар пешма-пеш ишчилар ошончасига етказиб берилмоқда.

Ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ва муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жуманазар Отажоновнинг Хива туманидаги учрашув ва ўрганишлари ҳам самарали кечди. Депутат Шомажумул маҳалласида жойлашган 2-сон мактабга таълим муассасасида партиязимнинг "Депутат билан юзма юз" лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Депутат сизни эшитди" мавзусидаги очик мулоқотда иштирок этди.

Мулоқотда муассаса ходимлари мавжуд муаммоларни ўртага ташлаб, уларни ҳал қилиш учун депутатдан ёрдам сўради. Қайд этилганидек, маҳаллада мактабга таълим муассасасига бўлган



ган эҳтиёж юқори бўлгани боис унинг биносини кенгайтириш, фаолиятини янада яхшилаш зарур. Муассасани ичимлик суви билан таъминлаш, унинг олдида ўтувчи йўлни таъмирлаш лозим. Таълим-тарбия масканидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Депутат ўзи ўқиган Хива шаҳридаги 2-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, бу ерда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди, дарс машғулотларини кузатди. Халқ вакили таълим муассасасининг китоб фондини бойитишга ҳисса қўшиш мақсадида ўзининг шахсий кутубхонасидан китоблар жамланмасини ҳада қилди.

Ахборот-ресурс марказлари фаолияти қониқарлими?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сиддиқ Номозов Оқдаре туманидаги 38-умумтаълим мактабида бўлиб, зиё масканининг ахборот-ресурс маркази фаолиятини кўздан кечирди. Мактаб биносининг 1-қаватида жойлашган ва ўзининг алоҳида ўқув залига эга ахборот-ресурс марказида таъмирлаш ишлари олиб борилаяётгани сабаб муассаса аини пайтда вақтинча ажратилган иккита хонада фаолият кўрсатаётгани маълум бўлди. Марказ 1 минг 127 китоб фондига

эга, сўнгги йилларда давлат бюджетидан китоб фондини бойитиш учун маблағ ажратилмагани боис янги китоблар харид қилинмаган. Марказда 2 компьютер, битта телевизор ва принтер мавжуд. Аммо компьютерлар Интернет тармоғига уланмаган. АРМАТ, ИРБИС ва бошқа дастурлардан фойдаланиш имконияти йўқ. Бунинг учун шароит яратилмаган. Ахборот-ресурс марказидан 2016, 2017 ва 2018 йиллар давомида жами 2 минг 310 нафар китобхон фойдаланган ҳолос. Бундан кўриниб турибдики, зиё масканидан фойдаланувчилар сони жуда кам. АРМ ходимлари китобхонлар сонини кўпайтириш, ўқувчиларни кенг жалб этиш учун, аввало, шарт-шароитларни яхшилаш, марказ фондини янги китоблар билан бойитиш, Интернет тармоғидан фойдаланишни йўлга қўйиш зарурати борлигини билдирди. Бундан ташқари, компьютерга эҳтиёж мавжуд.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев Пахтачи туманидаги 36-умумтаълим мактабида бўлиб, зиё масканидаги таълим жараёни билан танишди. Математика фани ўқитувчиси Исроиқ Кенжаев мактабда ўқув хоналари ўқувчилар сонига нисбатан камлигини, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Шодиев Саторов эса спорт зали йўқлигини айтиб, мурожаат қилди. Таълим маскани автомобиль йўлига яқинлиги сабабли мактаб олдида пиёдалар йўлакчасини ташкил этиш ва йўл белгисини ўрнатиш лозимлиги хусусида таклифлар билдирилди.

Украс маҳалласида жойлашган 35-сон мактабга таълим муассасасида ҳам бир қанча муаммо мавжуд: маскан биноси ўта таъмирталаб, авария ҳолатида, мебеллари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Муассаса ходимлари депутат билан мулоқот чоғида замонавий богча қурилишида ва уни 2020 йилги Давлат дастурига киритилишида амалий ёрдам

кўрсатишни сўради.

Мактаб жамоаси ва мактабга таълим муассасаси тарбияларининг мурожаатлари депутат назорати учун маблағ ажратилмагани боис янги китоблар харид қилинмаган. Марказда 2 компьютер, битта телевизор ва принтер мавжуд. Аммо компьютерлар Интернет тармоғига уланмаган. АРМАТ, ИРБИС ва бошқа дастурлардан фойдаланиш имконияти йўқ. Бунинг учун шароит яратилмаган.

Дилафрўз Бобоеваннинг қизи — 1994 йилда туғилган Камола Қаюмова мутахассислиги бўйича ҳамшира, бироқ ҳалигача ишга жойлаша олмаган. Депутат Азамат Пардаев уйма-уй ўрганишлари давомида Дилафрўз Бобоеваннинг бу борадаги мурожаатини шу куннинг ўзидаёқ ижобий ҳал этди. Камола Қаюмова халқ вакили кўмаги билан туман тиббиёт бирлашмасига ишга қабул қилинди.

Эскирган ўқув адабиётлари ҳалигача рўйхатдан чиқарилмаган

Олот тумани "Ёшботир" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежи балансидagi ахборот-ресурс марказининг ўқув зали 40 ўринга мўлжалланган, китоб фонди 57 минг 533 тани ташкил этади. 2018-2019 йиллар давомида марказнинг китоб фонди 40 донга илмий оммабоп китоб ва ота-оналар томонидан тақдим этилган 72 донга бадий адабиёт билан бойитилган. Электрон адабиётлардан фойдаланиш умумий китоб фондига нисбатан 10 фоизни ташкил этади.

Бу ЎзМТДП фракцияси аъзоси Назир Собировнинг Олот туманидаги ўрганишлари давомида аниқланган маълумотлар.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Назир Собировнинг Олот туманидаги ўрганишлари давомида аниқланган маълумотлар. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Назир Собировнинг Олот туманидаги ўрганишлари давомида аниқланган маълумотлар. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Назир Собировнинг Олот туманидаги ўрганишлари давомида аниқланган маълумотлар.

Шунингдек, депутат "FITRAT ACADEMY" МЧЖ

ўқув марказида бўлиб, таълим муассасаси вакиллари, ёшлар ҳамда ота-оналар билан суҳбатлашди, уларнинг хоҳиш-истаги ва қизиқишлари билан танишди.

Парламент аъзоси ўрганишлар давомида ҳудуддаги 27-сон қишлоқ оилавий поликлиникаси фаолиятини ўрганди. Мазкур поликлиникада тез тиббий ёрдам машинасига зарурат бор. Депутат ушбу масала юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари билан учрашиб, муаммони шу куннинг ўзидаёқ ҳал этди.

— Ҳудудимизда мактабга таълим муассасасига эҳтиёж юқори, — дейди "Нуробод" МФЙ раиси Алишер Олтиев. — Шу боис депутатдан болалар богчаси ташкил этилишига ёрдам сўрадик. Вақилимиз ушбу масала юзасидан тегишли мутасаддилар билан учрашадиган ҳамда депутатлик сўрови юбориб, муаммоимиз ҳал этилишида кўмак берадиган бўлди.

Назир Собиров "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти "Олот пахта тозалаш" МЧЖ ҳузурда ташкил этилган бошланғич партия ташкилотига ҳам бўлиб, ташкилот фаолияти ва амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Мазкур намунали куйи бўғин 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, унда 49 нафар партия аъзоси бор. Депутат БПТ раиси Иштиёр Қорғөдиев ва бошқа фаол аъзолар билан суҳбат чоғида қонунчиликдаги янгилик, ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Халқ вакили аҳоли мурожаатларини ҳам ўрганди, бир неча фуқаронинг ишли бўлишига кўмаклашди. Жумладан, "Ёшботир" МФЙда яшовчи 1998 йилда туғилган Оғабек Аҳмедов Олот қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежида ЭХМ оператори, "Наврўз" МФЙда яшовчи Аббос Мавлонов туман "Давлат йўллардан фойдаланиш" унитар корхонасига ҳайдовчи, "Мухтор" МФЙда яшовчи Зарина Омонова 16-умумтаълим мактабига психолог ҳамда "Халқобод" МФЙда яшовчи Флора Расулова "Бухоро Зарҳал Текс" МЧЖга ип йиғирувчи сифатида ишга жойлаштилди.

Партия ташкилотлари материаллари асосида "Milliy tiklanish" мухбири Муҳтарам КОМИЛОВА тайёрлади

Давра суҳбати

Депутат фикри

ҲАЁТИНГИЗНИ ЯХШИ ТОМОНГА ЎЗГАРТИРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, КИТОБ ЎҚИНГ!



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Барча замонда ёшлар таълим-тарбиясига энг жиддий масала сифатида эътибор қаратиб келинган. Мамлакатимизда ҳам ёшлар фаоллигини ошириш, ватанпарвар, юксак маънавиятли, эркин фикрловчи, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки ёшлар бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, эзгу ишларимиз давомчисидир.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашувлардан бирида: "Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамат масаласига айланиб бормоқда. Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзод асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда", дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган эътибор кучайса кучаймоқдаки, асло қамайгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида ҳам бу масалага яна алоҳида эътибор қаратиб, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 муҳим ташаббусни илгари сурди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилса, **иккинчи ташаббус** ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. **Учинчи ташаббус** аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга, **тўртинчи ташаббус** ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликнинг кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга қаратилган. **Бешинчи ташаббус** хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Шундан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП фаоллари давра суҳбатида миллий тикланish гоясининг асосларидан бири бўлган ёшлар орасида санъат ва китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунча кучли бўлади. Иштирокчилар ўғил-қизлар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жойлардан санъат турларини ривожлантириш борасидаги бир қатор тақлим-мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

— Ўзбекистон "Миллий тикланish" демократик партиясининг сайловолди Платформасида камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш вазифаси белгиланган, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодиржон Муҳторов. — Шу нуқтаи назардан ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустакил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўлида мустақкам замин бўлади. Лекин кўплаб қишлоқ ва маҳаллаларда бунинг учун зарур шароит мавжуд эмас. Илгариги кутубхоналар ўрнида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказлари ўзларига юклатилган вазифаларни тўла бажара олмапти. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, янги ташаббус доирасида ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда жойларга қўшимча китобхоналарни қўриқиб бериш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, бугунги кунда мамлакатимиздаги 800дан ортиқ маданият маркази, 312 та мусиқа ва санъат мактабига атиги 130 минг нафар ўғил-қиз қамраб олинган, мазкур муассасаларнинг аксарияти ўқув қўлланмалари, ноталар тўплами, мусиқа асбоблари ва жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмаган. Шу боис Президентимиз жойлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича топшириқлар берди. Жумладан, Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғарак ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ташаббускор, истеъдодли ёшлар ва маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда маданият марказларида бадий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва "Ёшлар клублари"ни ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди. Атоқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга қўмакчи сифатида бириктириш яхши натижа бераётганини инобатга олиб, бу тажрибани бутун мамлакатга ейтиш бўйича кўрсатмалар берилди. Унга мувофиқ, таниқли артистлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, ўша жойларда маданият, санъатни ривожлантиришга масъул бўлади, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эса ушбу ишларга моддий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам беради. Бу каби масалаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ижросига хизмат қилади. Бу борада барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлик корпуси фаол иштирок этиди, парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Тадбирда, шунингдек, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Муҳаммадjon Куронов, навоийшунос олим, партия фаоли Олимжон Давлатов сўзга чиқиб, ёшларни китобхонликка жалб этиш усуллари, китоб мутлоаси учун қандай адабиётларни танлаш зарурлиги, бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар қўламини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида тақлимлари билан ўртоқлашди. Давра суҳбати сўнгига иштирокчилар ёшлар орасида санъат ва китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликлар, тизимларга оид қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Равшан МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бутун мамлакатимиз аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ёшлар ташкил этаётгани мазкур масала аҳамиятини янада оширади. Ҳозирда

га қўйиш орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш режалаштирилди. Буларнинг бари замонавий, янги, эътиборга молик ёндашувлардир. Аҳамиятлиси, ушбу

китобхонлик даражаси муҳим аҳами- ятга эга. Энг ачинарлиси, учрашувлар, ўрганишлар давомида бўлган суҳбат асосида аксарият кутубхона ходим- ларининг билим ва савияси пастлиги

бир ёқлама қарашдир. Оиланинг бола тарбиясида, унинг бўш вақти мазмунли ўтишидаги масъулияти ўта муҳим. Бу жарафанда фарзанд тарби- ясига ота-оналарнинг масъулиятини

ШАРОИТ ЯРАТИЛМОҚДА, ИЖРОСИГА ЭСА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

уларнинг бўш вақти мазмунли ўти- шини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ёшлар маънавиятини юк- салтириш масаласи долзарб вазифа саналади. Бу борада китобхонликнинг,

ёшларда китоб ўқишга бўлган муноса- батни шакллантиришнинг ўрни ва аҳа- мияти гоёат юксак. Китоб ўқиган инсон маънавиятли бўлиб улғаяди, ҳар доим эзгулик ҳамроҳи бўлиб, атрофдаги- ларни яхшиликка йўналтиради, ҳаёт ҳақиқатини теран англайди, адолатли фикрлайди. Энг муҳими, тўғри йўлдан адашмайди, бошқаларни ҳам хато қилмасликка чақиради. Жамиятда муносиб ўрин топади.

Йиғилишда ёшларимизнинг ки- тобга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида ҳудудларга ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда қўшимча китоблар етказиб бериш масалалари муҳокама қилинди. "Маърифат қарвони" ло- йҳаси доирасида бадий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этиш ҳамда Қорақалпоғистон Респуб- ликаси ва барча вилоятга 1 миллион нуسخадан кам бўлмаган миқдорда етказиб бериш вазифаси қўйилди. Маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этиши белги- ланди. Шунингдек, барча шаҳар ва туманда кўча китоб павильонларини жойлаштириш, "Библиобус" ларни йўл-

саъй-ҳаракатлар аҳоли, биринчи нав- батда, ёшларимизнинг китобга бўлган меҳр-этиборини янада ошириш, му- носабатини ўзгартириш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

Республикаимизда аҳолини, таъ- лим муассасалари кутубхоналарини китоблар билан таъминлаш, одам- ларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Лекин жойларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳолини ўрганиш бу борада ҳали ечимини кутаётган талай муаммо ва вазифалар мавжудлигини кўрсатди.

Кутубхона — зиё маскани. У, энг аввало китобхонни озодаллиги, дид билан жиҳозланганлиги, дизайни би- лан ўзига ром этиши керак. У ердаги сокинлик, баланд бўлмаган овоздаги мулоқотлар ўқувчини бу масканга яна келишга ундашда жуда муҳим омил ҳисобланади. Афсуски, баъзи жой- ларда чанг босган, кингир-қийиқ китоб жавонлари, бетартиб жой- лаштирилган, иссиқ-совуқда уңқиб кетган китоблар, у ердаги муомала маданийти шу масканга яна қайтиб киришингизга монъелик қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ёш авлод тарбияси қоғозда эмас, амалда давлатимизнинг энг муҳим вазифаси- га айланган айти замонда ёшларнинг китобга бўлган китоб павильонларини жойлаштириш, "Библиобус" ларни йўл-

маълум бўлди. Ҳолбуки, бу олдимиз- да турган энг муҳим муаммолардан бири саналади.

Қолаверса, ўрганишлар давомида таълим муассасалари ўқувчилари билан суҳбатлашяпмиз, уларнинг би- лим даражасини аниқлаяпмиз ва шу орқали таълим муассасалари жамоаси фаолиятига баҳо бериш имконияти пайдо бўляпти. Таъкидлаш лозим, таъ- лим соҳаси вакилларининг вазифаси фақат ва фақат таълим беришдир. Шу боис уларнинг мажбурий меҳнат ва турли ҳўжалик ишларига жалб этили- шининг тўхтатилиши жуда катта воқеа бўлди. Энди ўқитувчилар мажбурий ҳашарларга, пахта териму йўл таъ- мирлаш ишларига жалб қилинмайди. Улар учун яратилаётган шароитлар, имтиёзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш тизи- мининг қайта кўриб чиқилиши устоз- ларни сидқидилдан ишлашга, янада фидойи бўлишга ундайди. Афсуски, айрим ҳолларда ҳамон эскича фикр, эскича қолиплардан воз кечилмаган вазиятларга ҳам дуч келаяпмиз.

Кутубхоналар ўрнига таълим му- асасалари ҳузурда ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисига тўлақонли хизмат кўрсатмаётганлиги ҳам бор гап. Давлатимиз раҳбарининг мазкур танқидидан тўғри хулоса чиқари- шимиз лозим. Айбни фақат таълим муассасасидан кидиришимиз эса

кучайтириш мақсадида маҳалла фа- оллари билан биргаликда тарихот ишларининг йўлга қўйилиши қисқа фурсатда самара бераётгани қувон- нарли ҳолдир. Қишлоқ ва маҳалла- ларда замонавий кутубхоналарнинг ташкил этилиши эса оилада китобга бўлган қизиқлигини оширишда, би- лимларини мустаққаллашида муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари парламентга мурожаатида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижаси онгимиз ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, онгимизнинг ўзга- риши бу — келажакимизни белгилаб берадиган асосий фактор. Бунинг учун ёшларнинг энг қимматли вақтлари бекор кетмаслигини таъминлашимиз, уларда китоб ўқишга бўлган леақат ва эҳтиёжини шакллантиришимиз за- рур. Бу ўзгаришлар янада самарали бўлиши эса фақат ўзимизга — сиз ва бизга боғлиқ.



Ўрол ҲАИТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Сайловчилар нима дейди?

ДЕПУТАТГА БЎЛГАН ИШОНЧ ҚАЧОН ОРТАДИ?

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга Ўзбекистон "Миллий тикланish" демократик партиясидан сайланган депутатлар партия- нинг "Уйма-уй", "Депутат билан юзма-юз" лойиҳалари ҳамда сайёр қа- буллар доирасида жойларда бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашмоқда. Юзма-юз мулоқотлар давомида уларни қийнаётган муаммо, масалалар билан танишмоқда, тақлифлари ўрганилаётир. Энг муҳими, узоқ

йиллар давомида йиғилиб қолган турли камчилик, муаммо ва ҳаётий ташвишлар депутатлар аралашуви ҳамда кўмаги билан тез орада ҳал этиляпти. Бу каби амалий ишлар эса сайловчиларнинг депутатларга бўлган ишончини оширишга, муносиб ҳаёт кечиршига бўлган интили- шини рағбатлантиришга хизмат қилаётир. Қуйида ана шундай кўмак олган айрим юртдошларимизнинг фикрлари билан танишасиз.

Салима ДЎСТОВА,
Когон шаҳри "Темирйўлчи" МФЙ:

— Сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларни йўналтириб келаётган муаммоларни ижобий ҳал қилишда халқ депутатлари Когон шаҳар Кенга- шига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар Зебинисо Абдуллаева ҳамда Санжар Бозоров ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан амалга ошириб келмоқда. Яқинда партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида маҳалламизда ўрганишлар олиб борди. Юзма-юз мулоқотларда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва улар томонидан кўтарилган муаммолар тинглан- ди. Имкониятдан фойдаланиб, мен ҳам депутатларга айтиш пайтда ҳеч қарерда ишламаслигимни, ишга жойлашишда ёрдам беришини сўрадим. Депутат Зебинисо Абдуллаева кўмаги билан ўзимнинг хоҳи- шимга-қўра шаҳримиздаги умумтаълим мактабига ишга жойлашдим. Бундан ўзим ҳам, оиламдагилар ҳам хурсанд.

Азиз ФАРМОНОВ,
Когон шаҳри "Фурқат" МФЙ:

— Биз, ёшлар Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан тез-тез мулоқотда бўлиб, уларга ўз хоҳиш-истакларимизни бевоcита билдирмоқдамиз. Ушбу мулоқотларда мурожаат- ларимиз депутатлар томонидан кўллаб-қувват- ламоқда, ечимини кутаётган кўплаб муаммолар тез фурсатда ҳал этилмоқда. Ўзимдан қиёс. Айтиш пайтда 31 ёшдаман. Маъ- лум муддат ишсиз қолдим. Халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Санжар Бозоров маҳалламизга келиб, муаммолар билан танишганда иш масаласида ёрдам сўрадим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, халқ вақилимизга кўмагида Когон телекоммуникация боғланмасига техник хизмат ва паспортлар гуруҳи муҳандиси лавозимига ишга жойлашдим. Бунинг учун депу- татимиздан миннатдорман.

Феруза ТЎҚЛИЕВА,
Ромитан тумани Ҳазберон маҳалласи:

— Халқ депутатлари Ромитан туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Фарҳод Ашуров ҳудудимиз- да мунтазам ўрганишлар олиб боради, фуқаролар билан учрашувлар ўтказидади. Ана шундай учрашувлардан бирида мен ҳамда қўш- ним Малика Воҳидова оилавий шароитимиз оғирлиги, турмушдаги етишмовчиликлар сабаб уйимизнинг том қисминини таъмирлаш учун ёрдам сўрадик. Мурожаатимиз вақилимизни бефарқ қолдирмади. У ҳомийлар кўмагида муаммомизга ечим топди — хондонларимизнинг том қисми шифер билан ёпилди. Ёгингарчилик кунларида турли муаммоларни келтириб чиқариб, ҳар иккала оилани анчадан буён йўлантираётган бу масала ҳождатбарор депу- татимиз кўмагида ҳал бўлганидан жуда қувондик. Депутатга бўлган ишончимиз, ҳурматимиз янада ортди.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Коррупция — жамият кушандаси

ИНДАМАЙ КЕТАВЕРИШ АДОЛАТДАН ЭМАС...

Андижон машинасозлик институтида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга бағишланган мулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Миллий тикланish" демократик партияси Андижон вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" таша- ббуси билан "Биз ёшлар оиламизни, маҳалламизни, юртимизни коррупция иллатидан сақлаймиз" шиори остида ўтказилган тадбирда Олий Маж- лис Қонунчилик палатаси депутати Акмалжон Жумабоев қўйи палатада янги ташкил этилган Коррупцияга қар- ши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг мақсад-вазифалари ҳақида маълумот берди. Амалга оши- рилаётган чора-тадбирлар натижаси- да юртимизда ушбу иллат билан боғ- лиқ жиноятлар сезиларли даражада қамийганини, коррупциянинг олдини олиш борасида ўтказилаётган профи- лактик тадбирлар муҳим аҳамиятга эга

эканини алоҳида таъкидлади. Мулоқотда ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов, жи- ноий ишлари бўйича Андижон вилоят суди бўлим бошлиғи Комроншоҳ Расу- лов, вилоят маъмурий суди судьясининг катта ёрдамчиси Сардорбек Ҳасанов, "Имоми Аъзам" жомеъ масжиди имом Ҳатиби Ўсмоиддин Шамсуддинов кор- рупция ҳар қандай давлат ва жами- ятнинг ривожланишига жиддий путур етказиши, шунинг учун бу иллатга қарши курашиш долзарб аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар. Унга қарши курашишда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш муҳимлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, қонунда белгиланган қоида ва тартиблар, уларни амалга

ошириш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари, мажбуриятлари ҳақида тушунча бе- рилди.

— Ҳар биримиз адолатсизликка қарши муросасизликни ўзимиздан бошлашимиз лозим, — дейди Анди- жон машинасозлик институти талабаси Аксербек Рўзиев. — Бу жараёнда кимки мансабдор шахс ёхуд фуқароларнинг масъулиятсизлиги ва таъмагирлиги билан боғлиқ ҳолатларга дуч келса, шароитта бўйсуниб индамай кетаве- риши эмас, балки бу ҳолат юзасидан қонунда белгиланган чора-тадбир- ларни қўллаш лозим. Бунинг учун эса ҳуқуқий билимимиз мустақкам бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис таълим муассасаларида ҳуқуққа оид ўтила- диган дарс соатларини кўпайтириш, ўқувчи-талабаларни коррупцияга оид қонунчиликда белгиланган меъёрлар билан таништиришга бағишланган машғулотлар ташкил этиш лозим. Қо-

лаверса, "Коррупцияга қарши курашиш — ёшлар нигоҳида" сингари танловлар қўлами кенгайтирилса, мақсадга муво- фиқ бўларди.

Тадбир Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғриси- да"ги қонунининг мазмун-моҳияти ва таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар, таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликка қарши курашиш чора-тадбирларини янада такомиллаштиришда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик, коррупция ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тағйбот ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги мавзуларида фикр алмашилди. Талабалар ўзларини қи- зиктирган саволларга мутасаддилардан атрафлича жавоб олди.

Жаҳонгир СОДИҚЖОНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Муносабат

БАХШИЧИЛИК — БАРҲАЁТ САНЪАТ

Сурхондарё вилоятида 5-10 апрель кунлари I Халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон
халқ артисти:

— Фольклор — барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси. Ҳар бир халқнинг миллий ўзлиги, аввало, унинг куй-кўшиқлари, урф-одатлари ва маросимларида намоён бўлади. Халқимизнинг ўздай донишманд улуг ва боқий бу ижодиёт дурдоналари ўзбек номини ҳар ерда ва ҳар доим улуғлайди. Чунки асл фольклор асарлари мағзида инсон камолоти учун хизмат қиладиган ғоя туради, у халқнинг боқий тарихини ўзида акс эттиради, уни келгуси авлодларга етказиши.

Миллий анъана ва қадриятларимизнинг бардавонлигини таъминлаш, асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш масаласи маънавий-маърифий жабҳаларда кечаётган ислохотларда муҳим ўрин эгаллайди.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 6 апрелдаги "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан эндиликда ҳар икки йилда бир марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгиланди. Ўтган йилнинг 6-10 сентябрь кунлари бўлиб ўтган мазкур йирик анжуман санъатсевар халқларни мақом йўллари ва мумотоз намуналаридан кенг баҳраманд этиш, уларни миллий мусиқамизнинг бетакрор садоларига ошно этишда муҳим воқеа бўлди. Орадан кўп ўтмасдан қабул қилинган "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги Президент қарори миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини



асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғулари кучайтириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Ушбу халқаро миқёсдаги ижодий лойиҳа бахшичилик ва дostonчилик санъатининг тарихи, бахшилар ва дostonчилар ижодини мукамал ўрганиш, халқ оғзаки ижоди ёдгорликларини тўплаш, ёш авлод қалбида бахшичилик санъатига бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари камол топтириш, фарзандларимизни мардлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга ва аждодлар меросига юксак садоқат руҳида тарбиялашдек мақсадларни кўзлайди. Шу билан бирга фестивал бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш, бахши-шоир, оқин ва жировлар ижодининг Шарқ маданияти ва санъатидаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш, ўзбек дostonчилиги ҳамда бошқа халқларнинг турдош ва номдош

фольклор жанрларини қамраб олиш, улар билан илмий, ижодий мулоқотлар ўтказиш ва ҳамкорлик қилиш, маданий-маънавий муносабатларни халқаро миқёсда кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Бу йил илк бор ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига дунёнинг 70дан ортиқ давлатидан 200га яқин меҳмон келиши кутилмоқда. Демак, анжуман турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий-маънавий ҳамкорликни кучайтиришга, қадимий ва бой тарихимиз, маданиятимиз, санъатимизни, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизни дунёга яна бир бор кенг намойиш этади.

Ишонаманки, буюк қадриятларимиз, миллий ғуруримиз, тинч, обод ва фаровон турмушимиз кенг таранум этиладиган фестивалда ижро этиладиган дoston ва термалар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдиради.



Рустам МУСУЛМОН,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими,
шоир:

— Халқимиз ўзининг қадимий маданияти ва серқирра ижоди билан дунё тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Бунда халқ оғзаки ижодининг бебаҳо дурдоналари ғоят муҳим ўрин тутди.

Президентимиз ташаббуси билан Термиз шаҳрида ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг Сурхондарёда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки, бу қадим воҳода азалдан халқ оғзаки ижоди, фольклор санъати, бахшичилик ривожланган.

Маълумки, бахшичилик халқ оғзаки ижодининг пойдевори ҳисобланади. Халқимиз яратган ўлан ва лапарлар, эртак ва дostonлар, мақол ва маталларнинг тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчиб, бизгача етиб келишида бахши-шоирларнинг хизматлари беқиёс. Улар минг йиллар давомида халқ оғзаки ижоди намуналарини қалб ардоғида асрашни ва авлодларга бекаму кўст етказишни ўзларининг муқаддас бурчи, деб билган.

Ёзма адабиётнинг илдизи ҳам бахшичиликка бориб тақалади. Бинобарин, миллий адабиётимиз ҳам узок ва бой тарихга эга. Демак, дostonчилик ва бахшичиликни миллий ўзлигимиз, маънавиятимизга оби ҳаёт бахш этадиган қайнарбулоққа менгаш мумкин. Минг йиллар давомида бундай дostonларни куйлаб, гавҳардек асраб-авай-

лаб, бойитиб келган бахши-шоирлар номи маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан битилган.

Фольклоршуно олим Шомирза Турдимов "Фольклор ҳар бир одамнинг қониди бор ва ҳар қандай тил ибтидоида улкан билимга даҳлдор тушунчалар мавжуд. Шундай экан, фольклор бизга ўзимизни, ўзлигимизни англашга ёрдам бериши билан қимматлидир, фольклор маънавий она сутидир", деб ёзади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бахшичилик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори илдизи қадим ўтмишга бориб тақаладиган ва халқимизнинг ўлмас қадриятларидан бирига айланган бахшичилик санъатини янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки бундай эзгу ишлар халқимизнинг миллий қиёфасини танитишда, унинг ижодий салоҳияти, бой ва бетакрор маънавий бойлигини буй-басти билан намоён этишда, халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллашида алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ва бўлажак анжуманнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ўзбек миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш билан бирга уни янада кенг тарғиб қилиш, айниқса, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғулари кучайтиришга хизмат қилади.

Равшан МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Боқий қадрият

“СЎЗАНА РЕКОРД” — МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ КЎРКИ

I Халқаро бахшичилик санъати фестивалида катталиги бўйича дунёда ягона сўзана намойиш этилади

Сурхондарё — ноёб қадриятлари, ҳудуд табиатига мос турли либослари, лапар ва дostonлари, дўмбрани ва чанқовузнинг сеҳрли оҳанглари билан азалдан машҳур бўлиб келган. Бой маданий меросга эга Бойсун 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан "Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари" сифатида эътироф этилиб, 2008 йилда Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган.



давом этириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз миллий ҳунармандчилиги тарихида илк бор "Сўзана рекорд"нинг айнан Бойсунда яратилгани ана шундай хайрли ташаббус ва изланишларнинг самараси дейиш мумкин. Моҳир

каштадўзлар томонидан меҳр билан тикланган ушбу сўзана олти ой давомида яратилди. Тинимсиз меҳнат маҳсули ҳисобланган каштачилик намунасини яратиш учун воҳани акс эттирувчи турли ёрқин рангдаги 16 килограмм ипақдан фойдаланилди.

— Каштачилик халқимизнинг азалий ҳунари ҳисобланади. — дейди ҳунарманд, ЎзМТДП аъзоси Малика Подшоева. — Сўзанани тикишда воҳага хос бўлган қадимги каштачиликнинг тўлдирма йўналишидан фойдаландик. Унинг марказида тасвирланган бешта гулнинг ҳар бири (каштачиликда "ойлар" деб юритилади) айлана диаметри 2 метр, атрофидаги кичик ўн тўртта гулнинг ҳар бири диаметри эса 1 метрни ташкил этади. Вилоятида ўтказиладиган ушбу фестивалда биз ҳунарманд хотин-қизлар ҳам ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандмиз.

Сўзана тикиш аввалида унинг чизмасини (гулларни чизиш) тайёрлаш зарур. Бу жараён каштадўздан алоҳида кунт ва эътибор талаб этади.

Гуллар марказдан ўнг ва чап томонга қараб чизилади. Бунда ҳар бир деталлар математик ўлчов асосида чизиб чиқилади. Алвон матога туширилган гуллар чизмасини моҳир тикувчилар олти кун мобайнида тайёрлашди. Ундан сўнг чизмаларни ипақ орқали тўлдирма услу-

бида тикиш, астарлаш, қавиш ва мағизлаш жараёнлари ҳам анча мураккабдир.

— Ҳунармандчилик ривожига қаратилаётган эътибор туфайли аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлашда мазкур соҳа муҳим ўрин тутмоқда, — дейди "DREAMS SHAXRINAS" МЧЖ корхонаси раҳбари, ЎзМТДП аъзоси Нилуфар Жўраева. — Бу эса оилаларга даромад, кут-барака олиб киради, ҳунар орқасидан оила тебратаетганлар ўз маҳсулотини юртимизнинг довуғини юксалтиради.

Халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий ҳаётини ҳар томонлама кенг ёритиш, номоддий маданий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий ҳунармандчилигимизни кенг намойиш этиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб қилишда юртимизда ўтказиладиган фестивалларнинг аҳамияти беқиёс. Масалан, ўтган йил бўлиб ўтган "Бойсун баҳори" фестивалида ҳам ўз ҳунармандчилик маҳсулотларимиз билан фаол иштирок этгандик. Бу бизга навбатдаги "Сўзана рекорд"ни амалга оширишда ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади. Айни пайтда корхонамизда ушбу ҳунарни замонавий асосда ривожлантириш билан бирга миллий ҳунармандчиликнинг ноёб анъаналарини тиклаш, янги маҳсулот турларини яратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу маънода Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилиш тантаналарида қатнашадиган жамоалар учун ҳам алоҳида миллий либослар тайёрладик.

Дарҳақиқат, Сурхон миллий урф-одат ва қадриятлари ва қадимий анъаналарини ўзида мужассам этиб келаетган сўзаналар халқимизнинг бой маданий мероси ҳисобланади. Халқ амалий-безак санъати турларидан бири ҳисобланган каштачилик йўналишини сақлаб қолиш, келажак авлодга етказиш барчанинг бирдек вазифаси. Бу ҳунармандларни янада кўпроқ изланишга, янгилик яратиш ва қадимий усулларнинг нафис ва ноёб жиҳатларини чуқур ўрганишга ундаётим.


Фестиваль олдидан намойиш этиладиган ушбу сўзанани Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш учун яқин кунларда мутахассислар тақлиф этилиши режалаштирилган.

Сарвиноз ПАРМОНОВА,
ЎзМТДП Бойсун туман кенгаши раиси
ўринбосари

Сайёҳлик ривожини йўлида

Миллий матбуот марказида мамлакатимизда зиёрат туризмни ривожлантириш истиқболларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ — ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШ



Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимизда туризм салоҳиятини юксалтириш, соҳада янги йўналиш — зиёрат туризмни кенгайтириш борасида амалга ошириладиган ишлар ва келгусидаги режаларга эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда соҳа ривожини ва раванглигини таъминлаш йўлида қатор фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди. Шу йилнинг 21-23 февраль кунлари Бухорода халқаро зиёрат туризми форуми ўтказилди. Унда 34 давлатдан юздан зиёд хорижий вакиллар иштирок этди. Бу уларнинг она заминимиздаги кутлуғ қадамжолар, маданий-тарихий обидаларга бўлган катта қизиқишидан далолат беради.

— Бугунги кунда зиёрат туризми дунё миқёсида жадал сурьатларда ривожланиб бормоқда, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг зиёрат ва археологик туризмни ривожлантириш сектори бош мутахассиси Саидкомил Холхўжаев. — Жумладан, мамлакатимизда зиёрат туризмни ривожлантириш учун улкан салоҳият, бой манба ва имконият мавжуд. Галдаги вазифа ана шу йўналишга мунтазам эътибор қаратиш, унга хорижликларни кенг жалб қилишдан иборат. Кўп давлатларда зиёрат туризми яхши йўлга қўйилган. Масалан, Японияда бу борада катта тажриба тўпланган: Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари

учун визасиз тартиб жорий қилган. Аэропорт ва савдо масканларида улар учун барча қулайлик яратилган. Маълумотларга кўра, ана шундай имкониятлар сабаб 2017

йилда биргина мусулмон мамлакатларидан Японияга бир миллиондан ортиқ сайёҳ келган. Энди тасаввур қилиб кўринг, агар биз сайёҳларга яхши шароит ва имконият яратиб бера оلسак, бундан ўн чандон оқори натижаларга эришишимиз мумкин.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш юртимизга келган хорижий сайёҳлар учун жозибador табиатимиз, буюк алломаларимизнинг ислом тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси, бетакрор осори атиқалар, меҳмондўст халқимиз маданияти, урф-одат ва анъаналари билан танишиш имконини беради. Айниқса, хавфсиз саёҳат имконияти ва визасиз режимнинг амалиётга жорий қилиниши туризмнинг мазкур йўналиши жадал ривожланишига олиб келиши, шубҳасиз.

Анжуманда, шунингдек, қўмита томонидан ташкил этилаётган зиёрат туризми гидлар клуби, туризмнинг мазкур йўналиши ривожини йўлида Сингапурнинг "Crescent Rating" компанияси билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар, яқин кунларда ишга туширилиши кутилаётган halal. uzbekistan.travel ягона Интернет портали, келгусидаги истиқболли лойиҳалар борасида ҳам маълумотлар берилди. Журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини минг йиллар давомида
маънавий ҳаётимизнинг кўрку зийнати бўлиб
келяётган хосиятли байрам —

Феврўзи олам

билан қутлайди.

Ушбу айём юртимизга тинчлик-омонлик,
бахту саодат, қут-барака олиб келсин!

ЭЪЛОНИ

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига **"Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ**нинг 27.03.2019 йил кунги 21-22/22-сонли хатига асосан носоз ҳолдаги куйидаги техникалар кўйилмоқда:

№	Русуми	Т/В тури	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	К-701	Трактор	66-58 ЕМ	1991	Авtoneфттранс	33 415 260
2	ТТЗ-80.10	Трактор	46-47 ЕМ	2004	Авtoneфттранс	16 354 000
3	2 ПТС	Тиркама	51-62 ЕМ	2005	Авtoneфттранс	3 453 000
4	2 ПТС	Тиркама	53-15 ЕМ	2009	Авtoneфттранс	3 453 000
5	Зил ММЗ	Юк	40 645 QAA	1983	Авtoneфттранс	12 944 000
6	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	40 2908 AA	2001	Авtoneфттранс	18 500 000
7	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	40 3587 AA	2001	Авtoneфттранс	18 500 000
8	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	40 3281 AA	2000	Авtoneфттранс	18 500 000
9	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	40 4251 AA	2000	Авtoneфттранс	18 500 000
10	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	404319 AA	2000	Авtoneфттранс	18 500 000
11	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	40 4321 AA	2000	Авtoneфттранс	18 500 000
12	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	40 2820 AA	2001	Авtoneфттранс	18 500 000
13	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	403041 AA	2000	Авtoneфттранс	18 500 000
14	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	40 3049 AA	2001	Авtoneфттранс	18 500 000
15	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	40 3299 AA	2000	Авtoneфттранс	18 500 000
16	Истанбул-Фрейхауф	Автоцистерна	40 2770 AA	2001	Авtoneфттранс	18 500 000

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 4 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 2 май соат 16:00.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган техникалар 2019 йилнинг 4 май кунги аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2019 йилнинг 10, 22 ва 31 май кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига кўйилган техникаларга қизиқиш билдирган талабгорлар "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖнинг транспорт бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб яқиндан танишиши мумкин.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини келишув шартномасига асосан "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг ХАБ "Трастбанк" Фарғона филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: Х/Р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурожаат учун: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. Тел.: +99895-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖ

да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Фарғона солиқ коллежига қарашли техник ҳолати носоз куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

1. ТАРЗ 3270 русумли, 1991 йилда и/ч, д/р: 40 026 DAA, бошланғич баҳоси — 10 222 000 сўм.

2. ЗИЛ 433360 русумли, 1998 йида и/ч, д/р: 40 013 EAA, бошланғич баҳоси — 9 223 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 6 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 3 май соат 16:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2019 йилнинг 6 май кунги савдосига сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 17 ва 31 май кунлари такроран бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини келишув шартномасига асосан "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг ХАБ "Трастбанк" Фарғона филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: Х/Р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй. Тел.: +99895-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

"Best realtor" МЧЖ

Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Ўзбекистон пахта тозалаш" АЖнинг 20.03.2019 йил кунги 01/91-сонли буюртма хатига асосан, Фарғона вилояти Яйпан шаҳар, Ибн Сино кўчаси 38-уйда жойлашган бино ва иншоотлар бир қисми (0043 (0070) литердаги емхона) кўйилмоқда. Қурилиш ости майдони — 139,75 кв.м. Бошланғич баҳоси — 42 202 629 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 7 май куни соат 14:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 3 май соат 16:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда куйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини савдо ташкилотчиси "Best realtor" МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг "Трастбанк" Фарғона филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/Р: 20208000300433601012. МФО: 01123, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси 45-уй, 3-қават. Телефон: (99895)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru. Лицензия RR-0225.

МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Шу тароватли кунларда барча юртдошларимизни
миллий қадриятларимизнинг бетакроп
тимсоли бўлган умумхалқ байрами —

Наврўзи олам

билан қутлайди!

Ватанимиз янада обод, халқимиз доимо омон бўлсин!

AGROBANK

“АГРОБАНК”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
ЎЗЎС ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Бутун Ўзбекистон халқини
умумхалқ байрами —

Наврўзи олам

билан самимий қутлайди.

ХОРАЗМ ҲУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барчани она заминимизга
беқиёс ҳусн бағишлаётган баҳор айёми —

НАВРЎЗ

билан муборакбод этади!

Мамлакат имижги — халқаро майдонда

ЎЗБЕК БАҲОРИ


< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Сайловларда ҳақли равишда халқимизнинг тўла ишончига сазовор бўлган Президентимиз бу улкан режаларини амалга оширишни, энг аввало, халқ ҳузурига бориш, одамларнинг қувонч ва ташвишларини бевосита, юзма-юз эшитишдан бошлади. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, ислохотлар йўлида ишонч ва илҳом, ғайрат ва шижоат, бекиёс куч-қудрат берадиган — ҳаёт синовларида тобланган, сўзида қатъий турадиган, ишнинг кўзини билладиган, меҳнаткаш, мард, матонатли халқимиздир.

Президентимизнинг, айниқса, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган қатъий талаби жамиятимиздаги муҳитни тубдан ўзгартиришга хизмат қилди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Барча ҳудуд — шаҳар ва туманларда ташкил этилган Халқ қабулхоналари аҳолининг чинакам сўянчиғига айланмоқда. Эндиликда бу идоралар масъуллари фақат фуқароларнинг муурожаатларини тинглаш ва ҳал қилиш билан шуғулланиб қолмасдан, ўзлари ҳам уйма-уй юриб, аҳолининг ҳолидан хабар оладиган бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсати, биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустақамлагани, улар ўртасидаги муносабатлар чинакамига дўст-биродарлик, қон-қардошлик даражасига кўтарилганлиги жаҳон ҳамжамияти учун ҳам ибратга айланди. Қозоқ ва қирғиз, тожик ва туркман ўзбек билан чин маънода ёнма-ён, жонга жон қўшнига айланди.

Хорижлик сармоядорларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга ишончи кучайганлигини биргина 2018 йилнинг ўзида 52 миллиард долларлик 1 минг 80 лойиҳа бўйича келишувларга эришилганлиги кўриш мумкин. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банки, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми эса 8,5 миллиард



долларни ташкил этди.

Янги-янги замонавий корхоналар ишга тушмоқда, қўшимча иш жойлари яратилмоқда. Қад кўтара бошлаган “Тошкент сити”нинг “Мирзо Улуғбек сити”, “Юнусобод сити” ва бошқа энг замонавий шаҳарчалари бўй кўрсатмоқда, ҳар бир вилоятда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”лар барпо этилаётир. Биз атом, шунингдек, қуёш электр станциялари қурилишини бошлаш арафасида турибмиз, коинот соҳасида лойиҳаларга киришилган, “рақамли иқтисодиёт”ни шакллантириш вазифалари қўйилган.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ҳам тобора ортиб бораётганлигини Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг сентябрь ойида

БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусни ушбу халқаро ҳамжамиятга аъзо 193 давлат яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, 2018 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюцияси қабул қилиниши ҳам исботлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик, маърифат-парварлик моҳиятини, буюк азиз-авлиёларимиз, мутафаккир алломаларимизнинг ноёб ва бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб қилиш зарурлигини мунтазам уқтириб келмоқда. Шу мақсадда пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Самарқандда Имом

Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари барпо этилмоқда. Тошкент ислом университети ва Ислон академияси негизида Халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, тўққизта мадраса, жумладан, иккита ихтисослашган хотин-қизлар муассасаси, бешта ихтисослашган мактаб ташкил этилди. Қашқадарёда Абу Муин Насафий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд қадамжолари, бошқа зиёратгоҳлар тартибга келтирилиб, ободонлаштирилмоқда.

Самарқанддаги Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис мактабининг янги муҳташам бинолари қуриб битказилди. Пойтахтда Ислон цивилизацияси маркази қурилиши жадал давом этмоқда. Бу савобли

ишларга айни пайтда Россия Федерациясида истиқомат қилиб келаётган тадбиркор, ватанпарвар юртдошимиз Алишер Усмоновнинг катта ҳисса қўшаётганлиги, айниқса, таҳсинга сазовор.

Боғчалардан бошлаб олий ўқув юрталарига барча таълим тизимида туб ислохотларга киришилган. Мамлакатда янги университетлар ва институтлар, уларнинг филиаллари очилмоқда, энг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда факультетлар ва кафедралар ташкил этилмоқда. 2018–2019 йилларнинг ўзида юртимиздаги олий ўқув юрталарига талабалар қабул қилиш икки бараварга кўпайтирилди.

Ҳаётимиздаги бу каби янгиликлар рўйхатини ҳали анча давом эттириш мумкин.

Умуман, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни янада раванқ топтириш, халқимиз турмуш даражаси ва сифатини ошириш юзасидан жуда катта режалар белгиланган. Кўзланган мақсадларга эришиш ҳар бир ватандошимизнинг фидойилиги ва ташаббускорлигига бевосита боғлиқлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. 2018 йил бошида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси “Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!” даъвати билан чиққан эди. Бугунги кунда ана шу қақриққа қўшилиб, Президентимиз ташаббуси билан тобора кенг авж олаётган ислохотлар ижодкорлари ва бунёдкорлари сафида бўлиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши ниҳоятда муҳимдир.

Халқимиз кўклагини янгиланиш ва яшарли фасли деб таърифлайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган, ҳеч бир муболағасиз мислсиз ислохотларни ҳам “Ўзбек баҳори”га қиёслас бўлади. Бизнинг нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз, қалбимиз ҳам ажиб тарзда яшармоқда, янгиланаётир. Бундай илоҳий руҳ янги марраларни забт этишга чорлайверсин.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ижтимоий реклама

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди
“Ҳаракатлар стратегияси, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”
Давлат дастури ижросида ННТлар фаоллигини қўллаб-қувватлаш”
мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қўйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртма-номалари қабул қилинади:

— ўзгалар парварлишига муҳтож ёлғиз кекса фуқароларни, ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни тақомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам қўламини кенгайтириш ва сифатини оширишга қўмаклашиш;
— жазони ўташ жойларидан озод қилинган, авф этилган шахслар, муқим турар жойга эга бўлмагани фуқароларнинг жамиятга ижтимоий интеграцияси ва реабилитациясига қаратилган дастурларни давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

— аҳолининг, энг аввало қўмакка муҳтож хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари билан ҳамкорликда қўшма иш режаларни ҳаётга табиқ этиш;

— маҳаллаларда, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар, ўз жонига қасд қилиш, гиёҳвандлик, эрта никоҳнинг олдини олишда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

— аҳолини, айниқса ёшларни гиёҳвандлик, аҳоқсизлик ва зарарли таъсирдан ҳимоя қилишда таълим муассасаси, оила ва маҳалла институтлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш;

— нотинч ва ноқобил оилалар билан ишлаш, оилада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олишга, оилада соғлом маънавий муҳитни таъминлашга қўмаклашиш;

— маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, муросасизлик муҳити шаклланишига қўмаклашиш, ижтимоий шериклик асосида обод ва хавфсиз маҳаллани ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш;

— Орол ҳалокатининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатишга, Оролбўйи ҳудудларида экологик вазиятни тиклашга ва соғломлаштиришга қўмаклашиш;

— ноқонуний меҳнат миграциясидан, мажбурий меҳнат ва камситишлардан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш, тизимли профилактик тарғибот-ташвиқот ва реабилитация қилиш;

— аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда ижтимоий ва маиший инфратузилмани яратишга, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга ҳамда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга қўмаклашиш;

— давлат органлари ва бизнес субъектлари билан ҳамкорликда ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлаш;
— ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат органлари

ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш борасидаги ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш;

— “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини амалга ошириш мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнлари, ислохотларнинг аниқ натижаларини, электрон ва босма ОАВ кенг ёритишини қўллаб-қувватлаш;

— Ўзбекистон Республикасининг асосий халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга тўққизлик қилаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилишга, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг натижалари ҳақидаги маълумотларни халқаро рейтингларни тузувчиларга етказишда қўмаклашиш;

— давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг рўйбега чиқарилишини таъминлаш.

Давлат гранти танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2019 йил 28 мартдан 30 апрелгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар “Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди” номига: 100163, Тошкент шаҳар, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй манзилига “Ўзбекистон почтаси” орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши партия Марказий кенгаши аъзоси Шаҳноза Халиловага

отаси Турғун Халиловнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА

ИПОТЕКА БАНК

“ИПОТЕКА БАНК” ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳли ва меҳмонларини эзгулик, меҳр-оқибат, саховат ва мурувват рамзи —

НАВРЎ

байрами билан самимий қутлайди.


Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин!

“МУБОРАКНЕФТГАЗ” МЧЖ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни яшарини ва
янгилашини айёми*

НАВРЎЗ

*билан қизгин табриклайди.
Шу тароватли кунларда Наврўз
хар бир хонадонга, бутун эл-юртимизга
тинчлик-хотиржамлик,
бахту саодат олиб келеин.
Ўзгөрингиздан қут-баракат,
тўқин-сочинлик арилаеин!*



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ГАЗ ТАЪМИНОТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларини Ватанга
муҳаббат ва садоқат каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этган халқимизнинг
энг қадимий, асл миллий байрами —*

Наврўзи олам

билан қизгин муборакбод этади.



VATAN TUVG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,
Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ,
Муҳаммадjon ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия хабри бўлими: 234-01-47,
Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими:
234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кuni чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
№ 0223 рақами билан руйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 426, Адади — 3007. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтарама КОМИЛОВА

Навбатчи: Равшан МАХМУДОВ

Саҳифаловчи: Жалопиддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz,
mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 01.20. ЎзА якуни — 22.15

ISSN 2010-7714



1772010771003

128456